



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил “7” ноябрь  
10-35020 - сон

**Қорақалпоғистон Республикаси ССВ,  
Тошкент шаҳар ССББ, вилоятлар ССБлари, ССВ  
тасарруфидаги Республика муассаса, ташкилотлар  
ва ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар,  
Олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари,  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш  
агентлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий  
палатаси, «IT-MED» ва «O‘zmedimpeks» МЧЖлари  
ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори талабларидан келиб чиқиб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Швейцариянинг «Globogate Concept» компанияси билан ҳамкорликда ўрта тиббиёт ходимларини 10 ой давомида Ўзбекистонда немис тилини ўқитиш ва уларни Германия Федератив Республикасининг йирик тиббиёт муассасаларида иш билан таъминлаш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда лойиҳанинг кейинги босқичида немис тилига ўқитиш учун жорий йилнинг декабрь ойига қадар 400 нафар ўрта тиббиёт ходимларини танлаб олиб, уларни 10 ойлик дастурга жалб қилиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган муассасада иловада кўрсатилган талабларга мос келадиган ва мазкур лойиҳа бўйича фаолиятини давом эттириш истагида бўлган ўрта тиббиёт ходимлари учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хатини маълумот учун юбормоқдамиз.

**Илова:** 2 варақда.

**Вазир ўринбосари**



**Э.Баситханова**

Сана: 07.11.2022